

the eleolites in three ways. The first was the autobiography of the writer, the second was the intellect, and the third covered the woman question in the work of George Eliot.

Key words: Victorian era, novel, woman question, image, feature, radical

МЎЎЖИЗАВИЙ РЕАЛИЗМ АМЕРИКА АДИБАСИ ЛУИЗА ЭРДРИК ИЖОДИ МИСОЛИДА

Мухаммедова Н.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Америка адабиётида хиндулардан етишиб чиқаётган адиб ва адибалар бугунги кунда кенг ўрганилмоқда. Мўъжизавий реализм анъаналари хинду адиб ва адибалари ижодида кенг талкин этилади. Хиндулар маданияти ўтмиши ва тарихи бугунги кун билан уйғунлик касб этиши улар яртган асарларда тобора яққол намоён бўлиши кузатилади. Америкалик хинду адиба Луиза Эрдрик ижоди хиндулар маданиятини ўзида кенг камраб олади. У ижод қилган мўъжизавий реализм йўналишининг ўзига хослиги асарларда чуқур очиб берилди.

Мўъжизавий реализмда намоён бўлувчи турли элементлар заминиди америка туб аҳолиси хиндулар маданияти кўзга ташланади. Луиза Эрдрикнинг 2020 йилда нашр этилган “The night watchman - Тунги қоровул” асари адабиётшунослар томонидан турлича таҳлил қилинди. Адиба ўз асарида хинду қабиласининг ўтмиши ва бугунини турли воқеалар орқали тасвирлашга уринади.

Адабиётшунослар Ричард Перез ва Виктория А.Чивальер фикрича, қайғули ўтмиш қурбонлари руҳларини ўз асарларига қаҳрамон сифатида киргизган ёзувчилар учун улар гувоҳлардир. Халқи билан юзма юз бўлиш орқали гувоҳларга унутилаётган қадриятларни қайтариш, эслатиш вазифаси юклатилган. Хиндуларнинг Чиппева қабиласи анъаналари контекстига кўра, аجدодлар руҳининг пайдо бўлиши “ижобий маъно” касб этади, улар “унутилатган анъаналарни тиклашда, қабиланинг этник ўзига хослигини ва тарихини шакллантиришда” [6, 170] муҳим ўрин эгаллайди. Муаллиф арвоҳларни “маданиятнинг давомийлиги”ни ифодаловчи нафақат метафора сифатида, балки улардан ўтмиш манбаси сифатида ҳам фойдаланади. Бундай услубни романда тасвирланган Родерик образида кўриш мумкин. Асар қаҳрамонларидан бўлган Родерик мустамлака сиёсати қурбони эмас, балки, қабилалошларига ижобий таъсир кўрсата оладиган маънавий, руҳий куч манбаси эканлигида кузатиш мумкин. Родерик Томас Возхашк билан учрашганда унга ўртоғи ЛаБаттни кутқаргани, уни ўғирликдан қайтариш мақсадида қайтиб келганини айтади. ЛаБатт билан кўришгач Возхашк Родерик қанчалик ҳақиқатни айтганлигига ишонч ҳосил қилади ва ҳайрон бўлади: “—How could it be that someone who was a fiction of his own brain told him something that was true? - Қандай қилиб ўз мияси бўлган одам унга ҳақиқатни айтган бўлиши мумкин?” [2, 30]. Родерикни реал ҳаёт контекстида тасвирлаган муаллиф китобхонга Америка хиндуларининг билиш усуллари ва анъанавий эътиқод тизимларини намоёиш этади. “Тунги қоровул” романининг ҳайратланарли томони шундаки, воқеалар ғайритабиий равишда содир бўлади, ноодатий нарсалар мутлақо оддий нарсалар билан ўзаро бир бирига таъсир этади. Тошбақа тоғи делегацияси Вашингтондан қайтаётганда, “Родерик поезддан қолиб кетади. Лекин Вашингтонда хиндулар арвоҳлари шунчалик кўп эдики, у қолишга қарор қилади” [2, 95]. Арвоҳлар табиатан бир жойдан иккинчи жойда тезда пайдо бўлиш қобилиятига эга бўлиб, Родерик ҳам бирор бир қийинчиликсиз қабилалошлари олдида пайдо бўлиши мумкин эди, бироқ уни ёзувчи икки олам оралиғида, ўзининг сеҳрли дунёси ва реал дунё орасида бемалол юриради. “Маҳаллий халқларнинг маданий ўзига хослигининг қўмилган изларини” [7, 497] очиш мақсадида Л.Эрдрик Родерик Вашингтонда топган кўплаб Америка хиндулари арвоҳларининг дунёсига қиради. “Тирик арвоҳлар” билан тўлиб-тошган шаҳар бўйлаб кезиб юрган Родерик:

“drawers and cabinets of his own kind of people! Indian ghosts stuck to their bones or scalp locks or pieces of skin. Some of the holy pipes were singing monotonously. Other ghosts were uproariously gambling with their own bones. There were ghostly ghost-dance shirts, buzzing war shields. For centuries, Indians had gone to Washington for the same reasons as the little party from the Turtle Mountains - ўзи каби одамларга тегишли кўплаб тортма ва шкафларни кўриб ҳайратда қолади. Хинду арвоҳларининг соч толалари, териси суякларига ёпишиб кетган. Муқаддас ҳисобланган чекиш асбобидан бир хил куй эиштиларди. Бошқа хинду руҳлари ўз суяклари билан шовқин қилганча қимор ўйнашарди. Арвоҳ рақси учун мўлжалланган рақс либослари, жанг қалқонлари сочилиб ётарди. Асрлар давомида Тошбақа Тоғи хиндулари бир гуруҳ бўлиб Вашингтонга битта сабабга кўра бориб келишарди” [2, 95]. Асарга хинду арвоҳлар оламини тасвирлаш орқали ёзувчи аجدодларнинг урф-одатлар сақланиб қолган параллел дунёни яратади, уларнинг бир жамоа сифатида ўзига хос шаклланган хусусиятларини кўрсатади. Хиндулар руҳини маданий хотира эгаси сифатида тасвирлаган Л.Эрдрик ўз аجدодларига ва маданий артефактларига берилган камситувчи муносабатга қарши фикрини ифода қилади. Ёзувчининг наздида, АҚШ давлати учун улар музейда шунчаки оддий нарсалар каби намоёиш этиладиган предметларни билдиради.

Бундай ёндашув орқали Л.Эрдрик марҳумлар арвоҳи образини яратиш натижасида хиндуларнинг маданиятини ва тарихини тиклашга муяссар бўлади. Шу тариқа, адиба бир томондан мустамлакачиларнинг ваҳшийликларини аниқлаш мақсадида ўтмишни кезиш учун Родерик образидан фойдаланади. Бошқа томондан, аجدодлар арвоҳларига мурожаат қилиш ва уларнинг келажак авлод учун муҳим эканлигини таъкидлаш орқали ёзувчи адабиётшунос Жастиснинг “хинду қабилаларининг вақт ва маконда тажрибаси узлуксиз [5,132]” деган фикри ва “ўлимнинг ўзи мустамлакачиликдан паноҳ эмас” деган мулоҳазалари қанчалик ҳақиқат эканлигини таъкидлайди. Тарихчи Д.Адамс “Америка хиндулари учун таълим ислохотлари:мактаб-интернатларда иш

тажрибаси – 1875-1928” номли тадқиқот ишида АҚШнинг мактаб-интернатларга оид сиёсатини ҳинду қабилалари синовли даврларга, яъни “чечак касаллигининг тарқалиши, миссионерларнинг ҳинду қабилаларга кириб келиши, Конестого вагонлари, тиканли симлар ва локомотивларнинг қабилла ҳудудларига бостириб келиши” каби таҳдидларга қиёслаштиради. Америка ҳиндулари ҳаётига мактаб-интернатларни олиб киришдан мақсад қабилаларда вояга етаетган ёш авлодни оиласидан ажратган ҳолда таҳлим бериш эди. Бундай таълим сиёсати ҳукумат учун ҳиндуларни ўзгартиришнинг энг самарали йўлларида бири эди. Бироқ, қабилалар ҳудудида кундузги мактаблар бўлишига қарамай, федерал ҳукумат болалар кун охиригача ўз оилаларига қайтишар экан, уларни “америкалаштириш” имконсиз деб ҳисоблайди. Федерал ҳукумат Америка ҳиндулар учун оилавий ришталар катта аҳамият касб этишини тушунгач, улар маҳаллий жамоаларни, хусусан, қариндошлик алоқаларига барҳам бериш саъй-ҳаракатларини олиб боришди. Болаларни ўз оилалари таъсиридан ажратиш, “ҳиндуларни оқ танли Америка фуқаролари сафига қўшиш” [1,336] учун қўйилган илк қадам эди. Шубҳасиз, мактаб-интернатларнинг ягона мақсади – ўсиб келаётган авлод ва аждодлар ўртасидаги алоқаларни узиш орқали маҳаллий халқларни ўз маданиятидан, ўтмишидан ва ўзлигини йўқ қилиш эди. Гарчи кўпчилик оилалар ўз фарзандларини федерал ҳукуматдан яшириб, қаршилик кўрсатган бўлса-да, шароити оғир оилалар ўз фарзандларини иқтисодий манфаат учун мактабларга юборишга рози бўлишди. “Тунги қоровул” романи қаҳрамони Томас Возхашк “*кундузги мактаблар фақат бир марта овқат берганлиги, мактаб-интернатлар эса уч маҳал овқат билан таъминлагани учун*” боришга рози бўлганлигини таъкидлайди” [2, 20]. Бошқа ҳолларда эса, қабилла оқсоқоллари ўз фарзандларини оқ танлилар мактабига юбориш шарт ва ҳатто улар берган таълимдан ўз манфаатлари учун фойдаланиш керак деб ҳисоблашади. Томас Возхашкга отаси: “*мактабда яхши ўқи, биз душман кимлигини билишимиз керак*”, дейди [2, 53]. Йиллар ўтгач, Томас отасининг шу гапларини англагандай бўлади. Ёзувчи фикрича, мактаб-интернатда қолиб ўқиш болалар учун ҳам, уларнинг ота-оналари учун ҳам қийин бўлган: Томаснинг онаси у кетаётганда юзини яширганча йиғлади. Онаизор ўғлини сочларини ўзи кесиш, кесмаслигини билмай овора эди. Улар барибир мактабда Томаснинг сочларини кесиш ташлашади. Сочни кесиш ташлаш эса – кимдир вафот этганлигини англатади. Бу қайғуни ифода этишнинг бир усули эди. Мактабга кетишдан олдин, она пичокни ўғлининг ўрилган сочига тутди. У кесилган соч ўрминини ҳукумат ўғлини олиб кетмаслиги учун дарахтга осиб қўярди. Ўқитувчи Томасга қўлини кўксига қўйиб, бошқа болалар аллақачон ёдлаб олган сўзларни такрорлаш кераклигини таъкидлади. Ҳамма байроққа тикилганча сўзларни такрорлар эди. Томас сўзлар маъносини билмаса ҳам, ўқитучининг кетидан сўзларни такрорларди. – Thomas’s mother wept and hid her face as he went away. She had been torn—whether to cut his hair herself. They would cut his hair off at the school. And to cut hair meant someone had died. It was a way of grieving. Just before they left, she took a knife to his braid. She would hang it in the woods so the government would not be able to keep him. The teacher showed him that he must place his hand on his heart and repeat words the other children already knew. All while staring at the flag. Thomas copied the teacher’s words though he did not know what she was saying. [(2, 20).

Назаримизда, таълим Америка ҳиндулари учун лойиҳа доирасида синаб кўрилди, бироқ, қабилла ҳудудларида ташкил этилган мактаб интернатлар белгиланган вазифа чегарасидан чиқишди ва мақсадларидан адашишди. Тарихчи МакКолум фикрича, “Мактабда ҳинду болаларини европача кийинтирдилар, сочларини европача кестирдилар. Улар ўз динларидан воз кечишга ва ўзга динни қабул қилишга мажбур бўлдилар”. Уларга ҳар қандай қабилла маросимларини бажариш ёки ўз тилларида сўзлашиш қатъиян ман қилинди. Гарчи болалар бир-бирлари билан ўз қабилла тилларида мулоқот қилишлари табиий бўлса-да, уларни шунда ҳам, инглиз тилида гапира олмаганларида, қаттиқ жазолашарди. Маҳаллий аҳолининг она тилида гаплашишлари, қабилла анъаналарига амал қилишлари Америка ҳукумати учун маданий қаршилик ёки бўлмаса, мактаб талабларига бўйсунмаслик белгисини англатди. Бироқ, бундай қаршилик белгиси америка ҳиндулари учун бутунлай бошқа маънони англатди, улар она тилида гаплашиши орқали ўз қабилаларининг оғзаки меросини ва маҳаллий ўзига хослигини сақлаб қолишни билдирди. Романда бош қаҳрамон Томас Возхашк отасига ёки яқин ўртоғига доимо она тилида мурожаат қиларкан, ўз тилининг қанчалик ифодалироқ ва жозибалироқ эканлигини таъкидлайди. Қизиги шундаки, Возхашк қабиласи ҳақидаги билими ва мактабда ўрганганларидан унумли фойдаланади: “*Тунги осмонни томоша қилиб, у мактаб интернатда юлдузлар ҳақида билиб олган Томас эди. Шунингдек, у юлдузлар ҳақида бобосидан, кекса Возхашкдан ўрганган Томас Возхашк эди*” [2,43]. Ёзувчи бош қаҳрамон Томас Возхашк образида мактаб интернатда ўқиш орқали омон қолганларни тасвирлади. Возхашк каби ҳиндулар ўзларида икки хил шахсни шакллантира олдилар ва шу орқали қайғули ўтмишни сабр билан босиб ўтишга муваффақ бўлдилар.

Мактаб интернатлар ҳарбий хусусиятга эга бўлиб, мактаб қоидаларини бузиш жиддий қабул қилинар ва ўқувчиларга нисбатан оғир жазо турлари қўлланиларди. Қаттиқ қалтаклаш билан бирга, мактаб маъмурлари кўпинча ўқувчиларни қоровулхонага қамаб қўйишарди. Роман қаҳрамони Родерик ўзи ишлайдиган мактаб нонвойхонасида ўғирлик билан қўлга тушганда уни ҳам қамашади: “*He was fired. So he no longer cared and all the bad he had resisted came right out. He ran away. Again and again. He became a runner. That’s how he ended up in the cellar and got so cold*” – *Уни ишдан ҳайдашди. Унга энди барибир эди, у нимага қаршилик кўрсатган бўлса, барчаси аён бўлди уларга. У қочди. У қайта қайта қочди. У қочоқ бўлди. Шу тариқа уни тутиб қамаб қўйишди, у жуда совқотганди* [2,70]. Луиза Эрдрик асарида Родерик ва Возхашк суҳбати орқали Америка ҳинду болаларининг қайғули ўтмишини, болалигини тасвирлайди ва Родерикнинг мактабда сил касаллигини орттирганини маълум қилади. “*The look of Roderick when he was brought up the stairs, blinking, terrified, shaking, coughing, haunted. Half dead already*” – “*Родерикни зинадан суяган ҳолда судраб олиб келишганда, унинг аҳволи*

аянчли кўринарди. У қалтирар, қаттиқ йўталар, кўзларида кўрқув бор эди. У ярим жон мурдага айланиб қолганди” [2, 53]. Келтирилган парчадан кўриниб турибдики, барча мактаб ўқувчиларининг аҳволи аянчли эди, жазоланганлар ва жазога гувоҳ бўлганларнинг ҳаммаси бир умр азобда қолган эди. Ўша даврдаги кўплаб ҳинду болалари сингари, Родерикни ҳам тобутда мактабдан уйга олиб келишди. У қабиласидан узоқда вафот этганлиги боис қабрида тинч ёта олмайди. “*He died in Sac and Fox country, too far away to meet the deadline for Chippewa heaven. So he followed his coffin home and just hung around*” – “У уйдан анча узоқ жойда ўлди, энди у қабиласининг жаннатига киришга улгурмайди. Шу боис, у тобути кетидан борди ва уйда бироз ишсиз юрган одамдай нима қилишини билмай юрди” [2, 74]. Ёзувчи Родерикнинг нотинч арвоҳи ёрдамида мактаб-интернатдаги оғир шароитни, муҳитни тасвирлайди, гўёки китобхон оиласидан узоқда сабабсиз вафот этган юзлаб ҳинду болаларининг мунгли овозини эшитгандай бўлади.

It was after his death that [Roderick] found out the term. What they were up to. Assimilation. Their ways become your ways When they shaved his head and it grew out all fuzzy and spiky, Roderick sort of liked it. Like fur, he ran his hand over it. There were certain things he really went for. Canned peaches. But not the hard shoes. The trumpet. But not before sunrise. A warm woolen jacket. Wool socks. But then again, if they hadn't killed them off he could have had a curly buffalo jacket. And curly buffalo socks. Tuberculosis. For sure, he didn't like that. Did they have illness in the old days? He hadn't heard of any and he had to wonder. What did Indians use to die of? - Родерик бу сўзнинг маъносини ўлимидан кейин англаб етди. Улар нима қилишмоқчи? Ўзгариш. Улар нима қилишса, сен ҳам шундай қиласан. Унинг сочини олишди, сочи бироз ўсиб қаттиқ тиканга айланди, ва бу Родерикга ёққандай бўлди. У қўли билан бошини силаганда, ўсган сочлар гўёки юмшоқ мўйнадай эди. Мактабда унга ёқадиган нарсалар ҳам бор эди. Масалан, консервланган шафтоли. Бироқ оёққа ботадиган пойабзал эмас. Най чалиш. Фақат куёш чиққандан кейин. Иссиқ жун кийим. Жунли пайпоқлар. Агар уни ўлдиришмаганда эди, ҳозир унинг жингалак жунли чарм кийими бўларди. Ва жингалак жунли пайпоқлари ҳам. Сил касаллиги. Албатта, бу унга ёқмади. Тарихда шундай касалликка дучор бўлишган эканми улар? У бу ҳақда ҳеч нима эшитмаганди ва бундан ҳайрон эди. Ҳиндулар нимадан вафот этишаркан? [2, 74]. Родерикнинг фикрича, баъзи ҳинду болаларига мактаб ҳаёти ёқарди. Бироқ, келтирилган парчага кўра, мактаб ҳаётининг баъзи жиҳатлари анъанага айланган эди. Жумладан, юмшоқ жунли бука тери пайпоқ ва кийимлар ов мавсумида қабил аҳолисига тарқатиларди. Бундай анъана, мустамлакачилар ҳудуддаги барча буқаларни отиб тугатишдан, “буқалардан кейинги авлод” деб ўзлигини таниган Родерик ва Возхашк каби ҳиндуларни ёлғизлатишдан олдинги даврда мавжуд эди.

Мактабни тугатган баъзи ҳинду болалари бошдан кечирганларини гувоҳ сифатида айтиб беришда инглиз тилидан фойдаландилар ва ўз автобиографияларини яратдилар. Жумладан, дакоталик Чарльз Александр Истман, Зиткала-За, омахалик Фрэнсис Ла Флеш инглиз тилида автобиографик асарларини ёздилар. Ёзма эсдаликлар орқали Америка ҳиндулари ўз қабилалари билан эски алоқаларни тикладилар ва ҳикояларида ҳаётий тажрибалари билан ўртоқлашдилар, улар учун “яширин ҳақиқатларни абадий яшириб бўлмайди”. Ажаблანарлиси шундаки, АҚШ ҳукумати ҳинду болаларига таълим бериш орқали, уларни Америка жамиятига сингиб кетишга ўргатди. Тарихчи Портернинг таъкидлашича, ҳинду болалари ўз қабиласи анъаналарига риоя қилганликлари сабаб қанчалик қаттиқ жазоланишмасин, уларнинг баъзилари “ижобий қабилалараро ҳамжамиятни яратишга” муваффақ бўлишди. Бу эса ўз навбатида XX асрда Америка ҳиндулари маданиятининг ўзига хослигини кўрсатди. Шундай бўлсада, ҳинду болаларининг аянчли болалиги АҚШ ҳукуматининг цивилизация учун ўтказган мактаб ислоҳоти, яъни ҳинду болаларини маданийлаштириш ҳатти-ҳаракатлари ёқламайди. Уларнинг хотирасида бундай шafқатсиз тизим бир умр ёдда қолади. Ёзувчи Родерик образи орқали мактаб хотиралари болаларни қанчалик тинч қўймаётганини таъкидлайди. Родерик Конгрессда сенатор Уоткинсни кўрганда мактабдаги ўқитувчисини эслайди: Watkins was the teacher who'd taught the Palmer Method, the little man who'd whacked his hands with the ruler's edge, who'd pulled his ears, who'd screeched at him, who'd called him hopeless, who'd punished him for talking Indian. Watkins was the man who'd dragged Roderick to the cellar stairs and said to Thomas, ‘Would you care to join your friend?’ – “Уоткинс тоза ёшишни ўргатган устози эди. У кичкинагина бўлса ҳам, уни қулоғидан чўзарди, чизғич чети билан қўлларига урарди, одам бўлмайсан деб унга кичқирарди, ўз она тилида гаплашгани учун уни қаттиқ жазолаган эди. Уоткинс Родерикни қамаш учун қоровулхонага судраб олиб борган ва Томасга “Дўстингга қўшилиб ўтирасанми шу ерда? деб сўраган одам эди [2, 87]”. 1950-1960 йилларда АҚШ ҳукумати Америка ҳиндуларини Америка фуқаросининг барча мажбуриятларини ўз зиммасига олишга қаратилган федерал сиёсатни олиб борди. Тарихчи Фиксиконинг фикрича, бундай сиёсатнинг мақсади тенг ҳуқуқли жамиятни яратишга уриниш бўлиб унда бирор бир гуруҳга махсус имтиёзлар берилиши кўзда тутилмаган [4, 387]. Кэлловейнинг таъкидлашича, АҚШ ҳукуматининг федерал сиёсати Америка ҳиндуларининг йўқолиб бораётган маданиятини тиклаш ва уларни давлатга қарамлигини ўзгартиришдан иборат эди [1, 407]. Ёзувчи романда тасвирлаганидек, Томас Возхашк ва унинг атрофдагилари АҚШ ҳукуматининг қўллаб-қувватлаши тўхтаса, бу давлатнинг Америка ҳиндуларига оид барча ислохотларни бекор қилиш эканлигини яхши англашганди. Америка ҳиндулари учун энг муҳими эса уларга ўз ерларига эга бўлиши ва олиб борилаётган барча давлат ишларининг қабил аҳли тугаганлиги эди. АҚШ ҳукумати учун бундай сиёсатнинг олиб борилиши натижасида Америка ҳиндулари давлатнинг тенг ҳуқуқли фуқароларига айландилар. Келажак авлодга миллат ўзлигини ва тарихини етказишни ўз вазифаси сифатида билган адиба Луиза Эрдрик “Тунги қоровул” романида мўъжизавий реализм элементлари орқали Америка ҳиндуларининг қонли кўчиш жараёнида қандай касалликлар тарқанлигини, қандай йўқотишларга учраганликларини, мактаб-интернатлардаги вазиятларга боғлаган тарзда азоб-уқубатга тўла ўтмишини тасвирлай олди. Жумладан, асар қаҳрамони Родерик ўз уйини топишдан олдин, бошқа ҳинду рухлар билан

бирга олиб борилаётган ислохотларга қарши курашади. Томас Возхашк ҳам АҚШ ҳукуматининг ҳиндулар ерларини эгаллаш сиёсатига қарши кураш тарихини ўрганиб чиқар экан, янги ислохотларга қарши курашиш режаси устида бош қотиради. Томас отаси билан кураш режаси ҳақида гаплашганда умумҳиндулар жамоаси тушунчасига урғу беради: *“We got together on it. Stuck together on it. Aisens, Miskobiness, Ka-ish-pa, all of them... We confronted them... Then we put up a delegation – Биз биргаликда муаммоларга дуч келдик. Биз биргаликда азоб-уқубатларга бардош бердик. Эйзенлар, Мискобайнес, Ка-иш-па қабилалари, ҳаммамиз. Биз уларга биргаликда қарши турдик. Энди биз конгрессга бориш учун вакиллар гуруҳини, делегациямизни шакллантирамиз[2,23]”*.

Томас Возхашк қабила оқсоқолларининг тинимсиз кўрсатаётган қаршиликларидан илҳомланиб, дарҳол делегация шакллантиришга қарор қилади. Бу эса ўз навбатида ҳинду қабилаларда мавжуд бўлган анъаналарининг давомийлигини намоёиш этади. Томасни курашга ундаган яна бир нарса бу – анъанавий пау-вау маросимини ўтказиш учун осмондан тушган аждодлари руҳлари эди. Ота-боболарининг арвоҳлари билан рақса тушиш Томасни ўз қабиласи йўқ бўлиб кетишининг олдини олиш учун нима қилиш кераклиги ҳақида ўйлашга ундайди. “Абадийликка ва арвоҳнинг кучига ишониш”ни янада кучлироқ таъкидлаш мақсадида ёзувчи Родерикга Конгрессга кетаётган Тошбақа тоғи делегациясига қўшилишга ва шу орқали ўз халқининг келажагида иштирок этиш имконини беради. Романнинг Конгрессда катнашган делегатларнинг нутқи ҳақида хикоя қилувчи 83 боби “Баъзи ҳинду қабилалари билан тузилган федерал шартномалар ва ваъдаларни бекор қилиш” сарлавҳасидан бошланиб прамбула билан якунланган Конгресс ҳисоботлари асосида ёзилган:

JOINT HEARING BEFORE THE[...] SUBCOMMITTEES OF THE COMMITTEES ON INTERIOR AND INSULAR AFFAIRS CONGRESS OF THE UNITED STATES EIGHTY-THIRD CONGRESS SECOND SESSION PART 12 TURTLE MOUNTAIN INDIANS, NORTH DAKOTA MARCH 2 AND 3, 1954 STATEMENT OF THOMAS WAZHASHK, ... JEWEL BEARING PLANT EMPLOYEES, A GHOST, A PHD CANDIDATE, AND A STENOGRAPHER	БИРГАЛИКДА ЭШИТИШ ЙИЛДА [...] КЎМИТАЛАР, БОШ КЎМИТА ИЧКИ ИШЛАР ВА ОРОЛ ДАВЛАТЛАРИ ИШЛАРИ АҚШНИНГ САКСОН УЧИНЧИ КОНГРЕССИ ИККИНЧИ СЕССИЯ 12-ҚИСМ ТОШБАҚА ТОҒИ ҲИНДУЛАРИ, ШИМОЛИЙ ДАКОТА 2 ВА 3 МАРТ, 1954 ЙИЛ ТОМАС ВОЗХАШКНИНГ БАЁНОТИ, ... ЗАРГАРЛИК ФАБРИКАСИ ХОДИМЛАРИ, АРВОҲ, PhD, ВА СТЕНОГРАФ
--	---

Адабиётшунос Хеннинг фикрича ёзувчи романнинг мазкур бобида “тарихий реаллики фантастик элементлар билан қиёслаш” орқали ҳиндулар тарихини, ўтмишини ўзгартириб бўлмаслигини намоёиш этгандай бўлади. Адабиётшунос Д. Жастис фикрига кўра эса, адабанинг бундай услуби, айнан Родерикнинг исмини Конгресс тингловчиларининг расмий рўйхатига киритилиши, қабила аждодлари авлодлар учун келажакни яратишда муҳим ўрин эгаллашини кўрсатади[5,140]. Тарихчи Ж.Эдкинс “яраланган миллат хотиралари марказлашган ҳокимиятга қаршилик кўрсатиш учун имкониятлар беради” деб ҳисоблайди [3,101]. Қайғули ўтмиш хотиралари Томас Возхашкга Конгрессда курашни йўқотишдан кўрққанида унга курашиш учун куч ва ишонч беради. Томас мактаб интернатда омон қолиш мақсадида ишлатган стратегиясини эслайди: *“stick with it, don’t let him give you the teacher-eye ... and suddenly Roderick was in the room – Риоя қил, уни сенга ўқитувчидай қарашига йўл қўйма..... ва тўсатдан хонада Родерик пайдо бўлди”[2,83]*. Қабила тарихидаги ушбу муҳим дақиқада ва Томас Возхашк раҳбар сифатида энг қийин кунларни бошидан ўтказаётганда, Родерикнинг афсуни аждодлар руҳларининг илҳомлантирувчи кучига бўлган ишончни намоён этади. Ўртадаги сукунатни Возхашкнинг Родерик билан бўлган суҳбати бузди, улар мактаб интернатдаги даврларини эслашарди. Бундай ёқимли суҳбат давом этаётганда Возхашк Конгрессда курашни бой берганини ҳис қилади. Родерик унга мактаб даврларини ёдга солади: *“Remember how you buttered that white teacher up to the teeth? Called him sir, sir this, sir that, thanked him constantly, asked his advice. Then stole the keys from his suit pocket? Then you let me out [of the cellar] and slipped back the keys” – Ўша оқ танли ўқитувчига хушомад қилганинг эсингдами? Уни “сэр”, “сэр”, “сэр, мана”, деб тинимсиз раҳматлар айтардинг, маслаҳат олардинг ундан. Кейин чўнтагидан калитини ўғирладинг, мени қўтқардинг ва калитини ҳеч нима билмагандай жойига солиб қўйдинг. [2, 83]*. Родерикнинг Возхашк олдида ҳамроҳ сифатида бўлиши шунчалик катта кучга эгаки, бу Возхашкга нафақат мактабдаги қайғули кунларидан далолат беради, балки курашни давом эттиришга ундайди. Қайсидир маънода Родерик “маҳаллий аждодларнинг ҳар қандай йўл билан яшашни давом эттириш учун олиб борган тинимсиз қатъиятчилигининг тимсолидир”[5, 115]. Ёзувчи халқининг қайғули даврларини “қайта яратар” экан, деб фикр билдиради адабиётшунос Жастис, бундай ёндашув жамият куришнинг муҳим босқичи ҳисобланади [5, 140, 85–86]. Луиза Эрдрик Америка ҳиндуларини шунчаки инсоний ҳуқуқлари кўпол равишда бузилган курбонлар сифатида тасвирламайди, аксинча, уларни ўз тарихи давомида кўп инқирозлардан омон қолган бардошли мавжудот сифатида кўрсатади. “Тунги қоровул” романи Америка ҳукуматининг ҳинду қабилаларга онд олиб борган сиёсий ислохотларига ва уларнинг қайғули оқибатларини акс эттирган воқеаларга тўладир. Адибанинг ўз халқи тарихидаги муҳим воқеаларни доимий равишда тадқиқ этиши, унинг Америка ҳиндуларининг “ўзравонликка ва мустамлакачиликка қарши курашни олиб боришни талаб қилганлигини тасдиқлайди” [5, 11].

Мазкур романда ёзувчи мўъжизавий реализм элементларидан самарали фойдаланган ҳолда ёш авлодга ўтмишни эслатиш ва жамиятининг ўзига хослигини ҳис қилдириш мақсадида ҳинду қабилалари тарихининг панорамали кўринишини яратишга муваффақ бўлди. Адиба романда давлат ислохотларининг қайғули оқибатларини арвоҳлар, фантастик элементлар ва маҳаллий мифлар орқали намоён этишга эришади. Ўтмиш ва ҳозирги кунни ёнма-ён тасвирлаган адиба, ҳиндулар маданиятининг афсонавий табиати туфайли, улар учун тушунарли бўлган тарзда хотираларни тиклашга муваффақ бўлади. “Тунги қоровул” романида ёзувчи ҳиндулар

аждодларига билим ва донолик манбаи сифатида ёндашади, уларнинг ҳар бир ҳаракатини, кўрсатган йўлини ва айниқса аҳолини кўчириш сиёсатига қарши олиб борилган чексиз курашдаги матонатига алоҳида эътибор беради. Луиза Эрдричнинг мўъжизавий реализм услубида яратилган мазкур романи қабила афсоналари, халқ оғзаки ижодининг ва маҳаллий халқларнинг ўзига ҳослигини сақлаш ва тиклашдаги кучини таъкидлайди.

АДАБИЁТЛАР

1. Calloway C. G. First Peoples: A Documentary Survey of American Indian History. New York: Bedford/St. Martin's. 2006.
2. Erdrich L. The Night Watchman. Harper: Kindle edition. 2020. – 350 p.
3. Edkins J. Remembering relationality: trauma time and politics. In: Bell, Duncan Memory, Trauma, and World Politics: Reflections on the Relationship between Past and Present. New York: Palgrave. 2006. – 120 p.
4. Fixico D. Federal and state policies and American Indians. In: Deloria, Philip J. and Neal Salisbury. A Companion to American Indian History. Malden: Blackwell Publishers. 2002. – 420 p.
5. Justice D. H. Why Indigenous Literatures Matter. Waterloo: Wilfred Laurier University Press. 2018. – 132 p.
6. Perez R, Chevalier V.A. Introduction: Proliferations of being: the persistence of magical realism in twenty-first century literature and culture. In: Perez, Richard and Victoria A. Chevalier. The Palgrave Handbook of Magical Realism in the Twenty-first Century. Cham: Palgrave Macmillan. 2020. – P.170.
7. Zamora L.P. Magical romance/Magical realism: ghosts in U.S. and Latin American fiction. In: Zamora, Lois Parkinson and Wendy B. Faris. Magical Realism: Theory, History, and Community. Durham: Duke University Press. 1995. – 550 p.

Резюме: Мақолада мўъжизавий реализм йўналишида ижод қилган америкалик адиба Луиза Эрдрич ижоди таҳлилга тортилган. Луиза Эрдрич хиндулардан етишиб чиққан адиба бўлиб, унинг ижоди мўъжизавий реализм хусусиятларига бой ҳисобланади.

Калит сўзлар: мўъжизавий реализм, хусусиятлари, хинду, асар, америка, мактаб, таълим, анъана

Аннотация: В данной статье рассматривается творчество американской писательницы Луизы Эрдрич, создавшая романы в художественном методе магического реализма. Произведения Луизы Эрдрич, являются яркими примерами, чье творчество богато элементами магического реализма.

Ключевые слова: магический реализм, свойства, индейцы, роман, америка, школа, образование, традиция

Summary: The article analyzed American writer Louisa Erdrich who wrote according to the magical realism. Louisa Erdrich is a native Indian writer; features of her novels are rich of magical realism.

Key words: magical realism, features, Indian, novel, America, school, education, tradition

BAKSHISHILIK VA JIROVSHILIK SAN'ATINI YORITISHDA MATBUOTNING O'RNI

Kalekeev K.J.

O'zbekiston davlat san'at va madaniyat instituti Nukus filiali

Qoraqalpoqlar xalq baxshi va jirovlarini yuksak darajada ulug'lab kelishadi. Buning asosiy sababi, fikrimizcha, xalq hayotidagi ulug' voqealarning, buyuk shaxslar, atoqli arboblardan bog'liq hodisalarning, umuman olganda, el tarixining asrlar osha saqlanib kelishiga ularning qo'shgan bebaho hissasidir. Qoraqalpoqlarda yozma tarixning bo'lmaganligi og'zaki qissachilikka, ya'ni xalq baxshilari va jirovlari ijodiga katta ehtiromning saqlanishiga olib kelgan. Xalq baxshilari va jirovlarini milliy qahramonlar darajasiga ko'targan narsa ham, aslida, shudir. S.Ramanovning «Musika madaniyati – ma'naviyat poydevoridir» sarlavhali maqolasida ta'kidlanishicha, «Jirovchilik, chechanlik san'ati qoraqalpoqlarning XIV-XVI asrlardagi no'g'oyli ittifoqi davrida o'zining yuqori pog'onasiga ko'tarildi va Edil-Yoyiq hamda Turkiston voqealari bilan aloqador tarixiy hodisalarni o'zida aks ettirgan» [1]. Ushbu fikrni qoraqalpoqlar tarixining yaqin vaqtlargacha bo'lgan deyarli barcha davrlariga nisbatan ham bemalol aytish mumkin. Mazkur ish tadqiq ob'ekti bo'lgan davrda qoraqalpoq matbuoti xalq baxshilari va jirovlari hayoti va ijodini yoritgan maqolalarni muttasil chop etib turgan. Bularning deyarli barchasida baxshi va jirovlar hayoti va ijodiga juda katta ehtirom bilan yondashilgan, texnika va texnologiyalar behad rivojlanib ketgan davrimizga kelib ularning ijodiga qiziqish susayishi kechirilmas hol, degan qarash sezilib turadi. Qoraqalpoqlar shunday xususiyatga egaki, tarixiy qadriyatlarini unutishga, unga sal bo'lsa-da, past nazar bilan qarashga aslo yo'l qo'ymaydilar. «Gazetxon matbuotga murojaat etganda, - deb yozadi olim E. P. Proxorov, - uning uchun bo'layotgan voqealarga chuqurroq kirishib borish, hayot qonuniyatlarini tushunishi birinchi o'rinda turadi» [2]. Mana shu kayfiyat, mana shu ruh matbuotda mazkur mavzuda e'lon qilingan materiallarda aniq ko'zga tashlanib turadi. Fikrimizga bir necha dalillar keltiraylik.

Jirovchilik, baxshichilik san'atining paydo bo'lishi va rivojlanishi tarixiga oid maqolalarda qiziq faktlarga duch kelish mumkin. Bunday maqolalarning mualliflari jirovchilik insoniyatning eng qadimgi san'at turlaridan ekanini isbotlashga harakat qilishadi. Shu nuqtai nazardan S.Bahadirovning qo'bizga bag'ishlangan maqolasi xarakterlidir. Uning yozishicha, qo'biz haqidagi dastlabki ma'lumotlar Mahmud Koshg'ariyning «Devonu lug'otit-turk» asarida uchraydi. U qo'bizga turkiy xalqlarning musiqa asbobi, deya izoh bergan. Qo'biz va jirovlar bilan bog'liq ma'lumotlar Rashiddin Vatvot, Lutfiy, Navoiy, Xorazmiy va Abulg'azi Bahodirxon asarlarida ham mavjud. Maqola muallifi insoniyat kashf etgan musiqa asboblarning ichida eng qadimiysi qo'biz, degan fikrni ilgari surarkan, boshqa musiqa asboblarning yuzaga kelishiga qo'biz asos bo'lgan deydi. «Qo'bizda chalinadigan nomalar er yuzida odam bolasi hali kam, ko'proq kenglik hukm surgan vaqtda insonning dastlab zamin uzra «Er yuzining egasi men!» deb bor ovoz bilan hayqirishining ifodasi bo'lib jaranglagan. Shu ovoznining o'zi Rim tosh yodgorliklari singari eskidir. «Qo'biz» degan atama, «qo'b», «qo'ba» - «ko'p yaxshi so'z», «ko'p yaxshi voqea», degan ma'noni anglatadi. Xullas, bu atama ko'p yaxshi so'zlar hamda musiqa orqali bo'lib o'tgan tarixiy voqealarni, botirlar haqidagi madhiyalarni tevarak-atrofga yoyish, degan ma'noni bildiradi. «Jirov» so'zining o'zi «jir» - bo'lgan voqeani, botirlar madhini kuylash, degan